

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**53 «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Электр энергетикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги ўРҚ–225-сон Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган;

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси) электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи этиб белгилансин.

2. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ягона электр энергетика тизимининг хавфсиз ва ишончли фаолият кўрсатишини, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи қондирилишини ҳамда «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини назарда тутилган бошқа вазифалар ва ваколатлар самарали амалга оширилишини таъминласин.

3. «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси ҳудудий бўлинмалар билан биргаликда ўз ваколатлари доирасида электр энергиясини ишлаб чиқаришда, узатишда ва истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилиши, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланилиши, шунингдек «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари ва талабларига оғишмай риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси раҳбарлари «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ваколатли органларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 17 февраль,  
23-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 17 февралдаги 23-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 3-илова-нинг 18-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб туриш шартлари қонунда белгиланади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 18-модда):

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Қуйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси, иссиқлик энергияси оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилинишини ва кўмрдан фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

электр энергиясини, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда, узатишда, истеъмол қилишда ва кўмрдан фойдаланишда хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмрдан фойдаланиш соҳасида зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялаш»;

б) 4-иловада (Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси) тўғрисидаги низомда):

1-бандда — рус тилидаги матнда «транспортировка» сўзи «передачи» сўзи билан алмаштирилмоқда;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Қуйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

электр энергияси, иссиқлик энергияси оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилинишини ва кўмрдан фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

электр энергиясини, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда, узатишда, истеъмол қилишда ва кўмрдан фойдаланишда хавфсизликни таъминлашга

йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмрдан фойдаланиш соҳасида зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялаш»;

8-бандда:

«а» кичик бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши»;

саккизинчи хатбошидаги «энергия билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «худудий электр тармоқлари корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг учинчи хатбошида — рус тилидаги матнда «транспортировки» сўзи «передачи» сўзи билан алмаштирилмоқда;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «норматив ҳужжатлар ва қоидаларни» сўзлари «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «республика стандартлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошида — рус тилидаги матнда «транспортировки» сўзи «передачи» сўзи билан алмаштирилмоқда;

10-бандда:

олтинчи хатбошидаги «энергия билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «худудий электр тармоқлари корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма еттинчи хатбошида — рус тилидаги матнда «транспортировки, реализации» сўзлари «передачи, сбыта» сўзлари билан алмаштирилмоқда;

11-бандда:

учинчи хатбошидаги «норматив ҳужжатлар» сўзлари «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмрдан фойдаланиш соҳасида корхоналар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг тўлиқ бажарилиши».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 июндаги 290-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси энергетика тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг қабул қилинган бош дастурига мувофиқ энергетика тармоғи корхоналарини монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада ривожлантириш, тармоқнинг энергия ишлаб чиқаришни (ИЭС, ГЭС, ИЭМ), уни узатишни (магистрал электр тармоқлари), уни тақсимлашни ва сотишни таъминловчи (худудий электр тармоқлари) ягона электр энергетика тизими корхоналари функцияларини аниқ белгилаш, уларнинг ўзаро боғлиқ, мутаносиб ва ўзаро ҳамкорлиги бўйича ишларни изчил амалга оширсин».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизминини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига 2-илованинг 23-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 103-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Ҳисобга олиш ва етказиб берилган электр энергияси ҳажми бўйича ҳисоботларнинг ишончлилиги, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгарлик худудий электр тармоқлари корхоналарининг ва уларнинг электр билан таъминловчи корхоналари раҳбарлари, бош бухгалтерлари ҳамда бошқа мансабдор ва моддий жавобгар шахслари зиммасига юкланади».